

Сирдарё вилоятини “2013-2015 йилларда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш Дастури” доирасида 2015 йилда амалга ошириладиган лойиҳалар тўғрисида маълумот

Дастур доирасида 2015 йил учун 427,0 млрд. сўмлик ҳамда 6,0 млн. долларлик 1592 та лойиҳаларни амалга ошириш ва 21041 та иш ўринларини ташкил этиш режалаштирилган.

Жумладан, саноат йўналишида қиймати 308,7 млрд. сўмлик ҳамда 6,0 млн. долларлик 248 та лойиҳа (8328 та иш ўрни), хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида 59,6 млрд. сўмлик 1063 та лойиҳа (3612 та иш ўрни), қишлоқ ҳўжалиги соҳасида 58,7 млрд. сўмлик 281 та лойиҳа, 9101 та иш ўрни ташкил этиш режалаштирилган.

Хисобот даврида амалда қиймати 37,4 млрд. сўмлик 634 та лойиҳа амалга оширилиб, ушбу корхоналарда жами 2333 та иш ўринлари ташкил этилди.

Жумладан, **саноат йўналишида қиймати 23,5 млрд. сўмлик 58 та лойиҳа 808 та иш ўрни;**

хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида 8,4 млрд. сўмлик 450 та лойиҳа 1142 та иш ўрни

қишлоқ ҳўжалиги соҳасида 5,4 млрд. сўмлик 126 та лойиҳа 383 та иш ўрни ташкил этилди.

Шунингдек, жорий йил якунига қадар жами қиймати 389,6 млрд. сўмлик 958 та лойиҳаларни ишга туширилиши эвазига 18708 та янги иш ўринлари яратилиш белгилаб олинган.

Бундан ташқари, келгуси 2015-2017 йилларда вилоят бўйича жами қиймати 688,5 млрд. сўмлик (*293,3 млрд. сўми тижорат банк кредитлари*) 232 та лойиҳаларни амалга оширилиши эвазига 7686 та янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган.

Банклар кесимида таҳлил қилинганда, **Агро банк** томонидан 25 та лойиҳага 16,5 млрд. сўм миқдорида;

Асака банки томонидан 31 та лойиҳага 117,9 млрд. сўм миқдорида;

Ипотека банки томонидан 10 та лойиҳага 26,7 млрд. сўм миқдорида;

Қишлоққурилиш банки томонидан 43 та лойиҳага 32,7 млрд. сўм миқдорида;

Микрокредит банки томонидан 15 та лойиҳага 11,1 млрд. сўм миқдорида;

Миллий банк томонидан 18 та лойиҳага 21,0 млрд. сўм миқдорида;

Саноатқурилиш банки томонидан 25 та лойиҳага 31,9 млрд. сўм миқдорида;

Турон банки томонидан 1 та лойиҳага 250,0 млн. сўм миқдорида;

Халқ банки томонидан 18 та лойиҳага 9,9 млрд. сўм миқдорида;

Хамкор банк томонидан 5 та лойиҳага 4,1 млрд. сўм миқдорида;

Тошкент банклари томонидан 4 та лойиҳага 21,1 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилиши белгиланган.